

Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

02/ 190 -сонли ШАРТНОМА

Фарғона шаҳар

2022 йил 17 01

“Фарғона нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А.Абдуганиев бир томондан ва “Истеъмолчи” деб юритилувчи **ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БҲЙИЧА ГАЗНА БОШКАРМА** номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари А.Ғойипов томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида “Истеъмолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини қўйиб “Истеъмолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, “Истеъмолчи” эсатказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. “Таъминотчи”нинг (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) “Истеъмолчи”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га 1 суткага 3580 сўм микдорида хизмат ҳақи тўлайди.

“Таъминотчи” (“Фарғона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, “Истеъмолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қўйиб берганлиги учун “Истеъмолчи”га ҳар ой якуни бўйича алоҳида ҳисоб-варақа (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истеъмолчи” ҳисоб-варақа (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб **“Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича Йўриқнома”**га асосан ҳар ой якуни бўйича “Истеъмолчининг” нефть маҳсулотига **“табiiй йўқотиш”** қўллайди (табiiй йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томонидан қоплаб берилмайди).

2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминийт умумий суммаси 1433066 руб 68 тиш сўмни ташкил қилади.

2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси олинган куни сотилиши сўралган нефть маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишли хажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефть маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг махсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини, шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари омборига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қуйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи”жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар “Таъминотчи”нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи тасодифий нобуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.